**Ўзбекистон Республикаси**
**Қашқадарё вилояти**
**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ**
# "AUDIT-HISOB MARKAZI"
# АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

***Юридик манзил:*** *Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри,180100, 7-миттитуман, 8/27-уй, тел. +99891-4603010*
***Лицензия:*** *Аудиторлик фаолияти бўйича МВ нинг 2008 й.14 мартдаги АФ №00376 рақамли лицензиясига эга.*

**«Yakkabog paxta tozalash» акциядорлик жамиятиининг**
**2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий хисоботига**
**ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН**
**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

***Буюртмачи:*** *«Yakkabog paxta tozalash» акциядорлик жамияти*
***Хисоб раками:*** *20210000500387674001, АТБ "Агробанк " Яккабог филиали,*
***ИИН:*** *200 710 701,* ***ОКОНХ:*** *17111*

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Назаров Улмас Муртазаевич (аудитор малака сертификати раками №05376, санаси 26.03.2016 й.) томонидан **«Yakkabog paxta tozalash» акциядорлик жамиятин**инг баланс, молиявий натижалар, хусусий капитал ва пул окимлари тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2017 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **«Yakkabog paxta tozalash» акциядорлик жамиятин**инг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

**Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос**

Жамият бухгалтерияси томонидан 2017 йилги бош китоб юритилишида хатоликларга йўл қўйилган. Ушбу хатолик молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасига жиддий таъсир кўрсатмайди.

**Изоҳлар билан фикр билдириш**

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари **«Yakkabog paxta tozalash» акциядорлик жамиятин**инг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўғри келади.

**Аудиторлик ташкилоти директори : -** **З.ЭРГАШЕВА**

**Аудитор: -** **У.М. Иазаров**
2018 йил, 28 апрель